

**Н.А. УРУМБАЕВНИНГ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИНГ ФАН
СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШ ХАҚИДАГИ БОРАСИДАГИ
ПЕДАГОГИК ФИКРЛАРИ**

Kurbanbaeva Dilaram Muxamovna

Umumiy pedagogika va psixologiya kafedrasi o'qituvchisi),

Bekbagambetova Jansaya Ruslanovna

*Ijtimoiy-gumanitar fanlarni masofadan o'qitish kafedrasi o'qituvchisi, Nukus davlat
Pedagogika instituti*

Annotatsiya. Maqolada N.A.Urumboyev semantikani qoraqalpoq maktablarida rus tilida o'quvchilarga, guruhlarga samarali yetkazish va tushuntirish uchun bir asosiy mezon sifatida ishlatgan.

Аннотация. В статье рассказывается о том, как Н.А.Урумбаев использовал семантикуи качестве основного критерия при разделении методов обучения русскому языку в каракалпакских школах на группы, раскрыты методы, как эффективно донести и объяснить учащимся новый учебный материал.

Annotation. The article speaks about N.A.Urumbaev used semantics as the main criterion in dividing the methods of teaching Russian in Karakalpak schools into such groups, that is, how to effectively convey and explain a certain concept to learners.

Kalit so'zlar: pedagogika, sinf, dars, grammatika, maktab, metod, darslik, lug'at, morfologiya, nutq

Ключевые слова: педагогика, класс, урок, грамматика, школа, метод, учебник, речь.

Key words: pedagogics, class, lesson, grammar, school, method, textbook, dictionary, morphology, speech.

Педагогика фанининг муҳум ва мураккаб соҳаларидан бири ўқитиш методикаси дир. У ўқувчиларга таълим бериш жараёнини ўз ичига олиб, педагогик тамойиллар ва методлардан ижодий ва унимли фойдаланишни таъминлайди ва ўқувчиларга самарали таълим беришда “Нимага ўқитиш керак?” таълим мазмунини аниқлаш “Нима учун ўқитиш керак?” таълим беришнинг мақсад ва вазифасини белгилаш “Қандай қилиб ўқитиш керак?” таълим услубларини ишлаб чиқиш ҳамда “Ўзлаштирилган таълим сифатини қандай аниқлаш назорат қилиш керак?” яни баҳолаш мезонларини ва методларини аниқлаш деган асосий тўртда вазифани бажариши лозим .

Қорақалпоғистондаги таниқли методист олимлардан яна бири Нағмет Аскарлович Урумбаевдир. Педагогика фанлари доктори, профессор Н.А.Урумбаев ўзининг педагогик фаолиятини ўқитувчилик қилишдан бошлаб, кейинчалик рус тилини ўқитиш методикаси соҳасида етук олимлардан бири бўлиб етишди.

Н.А.Урумбаев 1953 йили Москвадаги РСФСР Фанлар академияси миллий мактаб илмий тадқиқот институти аспирантурасига ўқишга кириб, 1959 йилда «Қорақалпоқ мактабларида ўқувчиларнинг она тилини ҳисобга олган ҳолда 3- ва 4-синфларда рус тилини ўқитиш усуллари» мавзуида профессор В.М.Чистияков раҳбарлигида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Мазкур тадқиқот ишида у қорақалпоқ бошланғич мактабларида рус тилини ўқитишнинг илмий ва амалий методикасини ишлаб чиқди.

Н.А.Урумбаев Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон филиалининг тарих, тил ва адабиёт институти терминологик секторининг бошлиғи сифатида фаолият юритиб, Қорақалпоғистонда илк бор қорақалпоқ-рус ҳамда қорақалпоқ тили луғатини ишлаб чиқиб унга муҳаррирлик қилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, урушдан сўнгги йилларда ёшларга умумий ўрта таълим бериш зарурияти туфайли, мактабларда барча фанларни ўқитишнинг самарали метод ва усуллари яратиш зарурияти пайдо бўлди. 1970-80 йилларда рус тили ва адабиёти фани Республикадаги 640 та умумтаълим мактабларнинг барчасига ўқув фани сифатида киритилди. Рус тили ва адабиёти фанини ўқитишда қорақалпоқ болаларига нимани ва қандай ўргатиш керак, деган муаммо кўндаланг турган бир вақтда, олим Н.А.Урумбаевнинг 1963 йили «Қорақалпоқ мактабларида рус тилидаги от турларини ўргатиш» китоби чоп этилиб, унда қорақалпоқ ўқувчилари учун рус грамматикасининг энг мураккаб бўлимларини осон ўзлаштириш йўллари кўрсатиб берилган.

1964 йилди эса олимнинг «Қорақалпоқ мактабларининг бошланғич синфларида рус тилини ўқитиш методикаси масалалари» номли китоб чоп этилиб, унда қорақалпоқ мактабларининг бошланғич синфларида рус грамматикаси элементларини ўргатиш методикаси тадқиқ этилган бўлиб, у юқоридаги саволларга илмий-педагогик асосланган жавоб бўлди.

1969 йили «Қорақалпоқ ўрта мактабларида рус тили морфологиясини ўқитиш методикаси асослари. Методиканинг умумий масалалари» номли фундаментал тадқиқоти эълон қилиди. Олимларнинг ушбу монографияси рус ва миллий мактабларда ўқитиш усуллари ҳақидаги педагогик фикрларнинг ривожланиш йўллари, қорақалпоқ мактабларида рус тилини ўқитишнинг мазмуни билан боғлиқ масалалар, қорақалпоқ болаларига рус тилини ўқитиш усуллари лінгвистик, психологик ва педагогик асослари мантикий кетма-кетлик асосида тадқиқ этилган. Мазкур тадқиқот асосида миллий мактабларда рус тилини ўқитишдаги муаллифнинг бой амалий-педагогик тажрибаларидан келиб чиққан хулосаларига асосланиб илмий концепциялар яратилган. Мазкур монографиядаги ўқитиш усулларида нафақат қорақалпоқ ўлкасида балки ундан ташқарида ҳам бошқа олимлар методологик тадқиқот ишларида андаза сифатида фойдаланиб келинмоқда.

1979 йилда эса «Қорақалпоқ мактабларида рус тили методикаси асослари» номли китобини эълон қилиб, унинг «Қорақалпоқ мактабларида рус грамматикасини (морфологиясини) ўқитиш методикасининг айрим масалалари» номли биринчи бўлимда муаллиф рус грамматикасини ўқитиш методлари, тамойиллари ва шакллари ҳақида маълумот беради.[1.84].

Олим қорақалпоқ мактабларида рус тилини ўқитиш методикасини икки гуруҳга ажратади.

1. Асосий методлар. Буларга:

а) туғри ва натурал методлар;

б) таржима ёки қиёсий метод;

в) аралаш ёки комбинацияланган методларни киритади.

2. Хусусий методлар.

Н.А. Урумбаевнинг Қорақалпоқ мактабларида рус тилини ўқитиш методларини бу каби гуруҳларга ажратишида семантицияни, яъни маълум тушунчани ўқувчиларга қандай йўл билан самарали етказиш, тушунтириш мумкинлигини асосий мезон сифатида қўллаган. Шулар орасида олим аралаш методга алоҳида тўхталиб ўтади. Ушбу метод натурал ва қиёсий-таржима методларининг умумий синтези сифатида вужудга келувчи ва бу қорақалпоқ мактабларида рус тилини ўрганишда самарали ҳисобланган метод эканлигини таъкидлайди ҳамда унинг рус бўлмаган мактабларда рус тилини ўрганишга йўл очиб берувчи тамойилларини ҳам белгилаб беради.

Улар кўйидагилардир:

- рус тилини ўрганишда ўқувчиларнинг она тили грамматикаси оид билимларига суяниш тамойили;

- ўқувчиларнинг она тилидаги нутқи тузилишининг ўзига хос жиҳатларини инобатга олиш тамойили;

- грамматикани ўрганишнинг бош мақсади – нутқни ривожлантириш тамойили;

- турли хил услублардан фойдаланиш тамойили.

Шунга қарамасдан, олим аралаш метод методика соҳасида хали ўзининг тўлиқ илмий-назарий асосига эга бўлмаганлигини ва унинг бошқа бирон бир метод билан қиёсий ўрганилмаганлигини таъкидлайди ва шунинг учун ҳам уни энг мукамал метод деб қараш мумкин эмаслигини эътироф этади.

Н.А. Урумбаевни таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактабларда рус тилини ўқитишда энг рационал самарали метод қандай метод? – деган савол қийнайди. Эндиликда у амалий-комплекс методни алоҳида тадқиқ этишни ўз олдига мақсад қилиб кўяди. Аралаш методга нисбатан амалий-комплекс методнинг афзалликларини эътироф этиб, унинг асосий тамойилларини кўйидагича белгилайди:

- тил ва нутқ даражасидаги турли аспектларни комплекс ўрганиш;

- грамматик материалларни тизимли комплекс ҳолда ўрганиш;

- таълимнинг коммуникатив мулоқат тамойили;

- назариянинг нутқ амалиёти билан боғлиқлик тамойили;

- ўқувчиларнинг рус тилини ўзлаштиришларида она тили нутқидан фойдаланиш тамойили;
- ўқувчиларнинг рус тилида фикрлашларини ривожлантириш тамойили;
- ўқувчиларнинг нутқини ривожлантириш тамойили;
- рус тилини ўрганишда кўргазмали куруллардан кенг фойдаланиш тамойили.

Шунингдек, Н.А.Урумбаев қорақалпоқ болаларининг рус тилида фикрлаш жараёни шаклланишини учта босқичда амалга оширишни физиологик, психологик ва мантиқий жихатдан илмий асослаб берди. Бу босқичлар куйидагилардир:

1. Рус тилини ўрганишнинг биринчи босқичи 1-3 синфлардаги болаларнинг таълим олиш жараёни бўлиб, бунда рус тилида фикрлаш асосан она тили базасида ички, ўз она тили асосида амалга оширилади.

2. Рус тилини ўрганишнинг иккинчи босқичида (4-6-синфларда) фикрлаш жараёнида она тили билан бир қаторда русча сўзлар ҳам ишлатилади; ички нутқда она тилидаги базалар рус тили базаларига астойдил ўтилади.

3. Рус тилини ўрганишнинг учунчи босқичида (7-8-синфларда) рус тилида фикрлаш интенсив ривожланади ва ички нутқ ташқи оғзаки нутқ билан алмашади.[1.86].

Н.А.Урумбаев, К.Д.Ушинский, В.М.Чистяков, Н.М.Верзилин, О.Я.Прик, П.И.Харакоз, В.Б.Беляев, В.М.Лепилов, С.Д.Пурцеладзе, А.Чикобаева, В.Д.Кудрявцев, Н.З.Бакеева, Р.Г.Лемберг, В.А.Чиннова, Ч.А.Бедалов, Г.А.Мейрамов, Э.Бекман, Л.Г.Бекилов сингари турли миллат услубиятчи-олимларнинг илмий асарларидан фойдаланган ҳолда рус тилини ўрганишга доир хусусий методлар ҳақида ҳам фикр юритиб, уларнинг куйидаги турларини белгилаб, ҳар бирига тавсиф бериб, уларни кўллаш йўллари ҳам кўрсатиб берган:

Шунингдек, олим таълим шакллари методларидан фарқлай олиш лозимлигини таъкидлайди. Бу ҳолда дарс, дастурли таълим, мустақил таълим, саёҳат, уй вазифаларини бажариш, синфдан ташқари ишлар таълим шакллари бўлиб, улар таълим-тарбиянинг яхлит ташкилий тизими эканлигини эътироф этади. Шулар орасида дарс-таълимнинг асосий шакли сифатида педагогика фанида хали ўзининг тулиқ илмий ечимини топмаган бир вақтда педагог олимнинг дарс типлари ва дарс тузилиши юзасидан илмий хулосалар чиқариши катта илмий янгилик эди. Дарс типлари бўйича қатор олимларнинг тақлифларидан фарқли ўлароқ Н.А.Урумбаев куйидаги типларни тавсия этади:

- Дастлабки нутқ кўникмаларини шакллантирувчи дарс;
- Шаклланган дастлабки нутқ кўникмаларини ривожлантирувчи ва автомат тарздаги малакаларга айланттирувчи дарс;
- Нутқ амалиётини маълум тизимга солувчи ва автомат тарздаги малакаларни шакллантирувчи, умумлаштирувчи дарс.

Булар бевосита қорақалпоқ мактаб ўқувчиларнинг рус тилидан назарий билимларни ўзлаштиришиб, амалий нутқ кўникмаларини, яъни мустақил сўзлашув нутқини эгаллашида кийналиши каби салбий жихатларнинг олдини олишга қаратилган, бевосита қорақалпоқ мактабларининг ўзига хос жихатларини инобатга олган ҳолда олимнинг бир неча йиллик амалий педагогик тажрибалари натижасида тавсия этган дарс типлари ҳисобланади. Шунингдек, олим қорақалпоқ мактаблари учун рус тили бўйича дарс тизими каби бугунги кунга қадар ҳам методик адабиётларда ўзининг етарлича илмий исботини топмаган муаммо юзасидан ўзининг етарлича илмий исботини топмаган муаммо юзасидан ўзининг илмий-педагогик, илмий методик тавсияларини берган. 1.2-расм.

Н.А.Урумбаев учун пировард натижа бу қорақалпоқ мактаб ўқувчиларини рус тили бўйича назарий тушунчаларга эга бўлиши билан бир қаторда улардан амалиётда кенг фойдаланиб, рус болалари билан баробар сўзлаша олиш куникмасига эга бўлиб, фикр алмашиш даражасига етказишдан иборат эди.

Қорақалпоқ мактабларининг ўрта ва юқори синфларида рус тили морфологиясини ўқитиш методикаси ҳам методист-олим Н.А.Урумбаевнинг диққат-эътиборидан четда қолмади. Олим қорақалпоқ болаларининг русча сўзларининг морфологик таркибини ўрганиши учун уларни ўзлаштиришда учрайдиган кийинчиликларни аниқлаб, суз таркибини урганиш методикасини ишлаб чиқди. Сўз таркибини ўрганиш асосида ўқувчилар нутқини ривожлантириш йўллари аниқлади.

Ўз она тилини яхши билиш, она тилида туғри ёзиш ва ўқиш – бу инсон маданиятининг биринчи белгисидир. Шунга кўра ХХ асрнинг бошида Қорақалпоғстонда она тили, яъни қорақалпоқ тилини илмий асосда ривожлантиришга, миллий ёзувнинг такомиллашувга ҳамда халқимиз фарзандларини она тилида ўқиши ва ёзишига катта эътибор қаратилди.

Даставвал, қорақалпоқ тилининг ёзуви араб алифбоси асосида шаклланган эди, 40 йилларга келиб араб алифбосини лотин ёзуви билан алмаштириш зарурияти туғилди. 1929-30 ўқув йилидан бошлаб лотин-ёзуви асосидаги қорақалпоқ тилининг алифбосидан давлат ёзуви сифатида тўлиқ фойдаланила бошланди. 1938-39 йилларга келиб эса рус ёзуви асосида янги қорақалпоқ алифбосини тузиш ишлари бошланди. 1940 йил унинг дастлабки лойихаси тузилди.

Н.А.Урумбаев нафақат рус тилини ўқитиш методикаси, балки рус ёзуви асосида янги қорақалпоқ алифбосидаги ёзув, унинг морфологияси тўғрисида ҳам тадқиқотлар олиб борди. Унинг 1991 йилда чоп этилган «Краткий курс сопоставительной морфологии русского и каракалпакского языков» номли ўқув қўлланмаси рус ва қорақалпоқ тилларининг қиёсий типологик тахлилига бағишланган.

Рус тилининг қорақалпоқ тили билан ўзаро таъсири асосида икки тиллилик (двуязычия) интенсив равишда ривожланиб, ушбу тилларни бинар

тахлил асосида қиёслаб ўрганиш зарурияти туғилиб, у қорақалпоқ ёшларига ҳам рус тилида, ҳам она тилларида мукамал ва тўғри ўқиш имконини беради. Ушбу мақсадда Н.А.Урумбаев рус ва қорақалпоқ тилларини амалий методик ҳамда назарий-лингвистик йўналишда илмий жихатдан ўрганиб чиққан. «Иккита тил учун ҳам умумий, универсал бўлган категорияларни ҳамда уларнинг узига хос хусусиятларини қиёсий ўрганиш қорақалпоқ мактабларида рус тили морфологиясини ўқитишнинг илмий-лингвистик асоси» ҳисобланади, дея таъкидлайди олим. Бундай қиёсий таҳлил ўқувчиларнинг рус тили бўйича билим даражасини ошириб, маҳаллий (рус бўлмаган) мактабларда рус тилини ўқитиш сифатида яхшилайдди.

Ўзининг илмий изланишида олим асосан:

1.Қандай категориялар ҳам мазмунан, ҳам шаклан иккала тил (қорақалпоқ ва рус) учун ҳам бирдек хос.

2.Иккала тилга ҳам хос бўлган қандай категориялар мазмун ва шакл жихатдан тўлиқ мос келмайди?

3.Рус тилидаги қайси категорияларнинг она (қорақалпоқ) тилидаги аналогияси йуқ? – деган учта саволга жавоб ахтарган.

Бунинг учун у рус ва қорақалпоқ тилларида туб, аффикс, суффикс, сон, феъл ва олмошлардан фойдаланиб, иккала (рус ва қорақалпоқ) тилидаги сўз туркумларини қиёсий таҳлил этиш орқали уларнинг ўзига хос жихатларини илмий асослаб берган.

Шу билан бирга методист-олим уларни ўзлаштириш жараёнида ўқувчилар учун қийинчилик туғдирадиган жихатларини ҳам аниқлаб, уларни ўрганиш методикасини ҳам яратиб берди.

Масалан, рус ва қорақалпоқ тилларида «От» категориясини қиёсий таҳлил этиш билан бир қаторда қорақалпоқ мактаб ўқувчиларининг рус тилидаги «От» категориясини ўрганишда айнан қайси қўшимча ва аффикслардан фойдаланишда қийналишларини белгилаб, ушбу категорияни ўрганиш методикасига алоҳида тўхтаб утган. Қорақалпоқ мактабларида рус тилини ўқишда муаллифнинг илмий ишидаги шу каби мантиқий баён этган материаллари ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчи учун анча қулайликлар яратиб, аниқликлар киритган.

Н.А.Урумбаев мактаб амалиётини чуқур билувчи методист олим сифатида қорақалпоқ болаларига рус тилини ўргатишда дидактиканингасосий тамойилига, яъни болаларнинг ёш хусусиятларини инобатга олишга жиддий эътибор қаратган. У қорақалпоқ мактабларининг бошланғич, ўрта ва юқори синфларининг ҳар бири учун алоҳида-алоҳида рус грамматикасини ўқитиш методикасини тавсия этади.

Масалан, 1979 йили чоп этилган «Методика обучения элементам русской грамматике в начальной каракалпакской школе» номли методик қўлланмаси қорақалпоқ мактабларининг 1-3-синфларида рус тили грамматикасини элементларини ўқитиш масалаларига қаратилган бўлиб, унда методик жихатдан дарсни қандай ташкил этиш, қандай самарали метод ва

дарс шаклларидадан фойдаланишга доир қатор тавсиялар берилган. Мазкур методик қўлланма бошланғич синф ўқитувчилари учун муҳим қўлланма сифатида бугунги кунга қадар хизмат этиб келмоқда. Чунки, мазкур қўлланма рус тилини ўқитишнинг лингводидактик ва методик талабалари, шунингдек, илғор тажрибали бошланғич синф ўқитувчиларининг кўп йиллик тажрибалари асосида яратилган бўлиб, у шу кунга қадар ўз қийматини йўқотган эмас.

Хам рус хам қорақалпоқ тилини мукамал билган олим Н.А.Урумбаев нафақат қорақалпоқ мактабларида рус тилини ўқитиш методикасини яратувчи, балки Қорақалпоғистонда илк методист олим, қорақалпоқ тили бўйича дарсликлар муаллифи сифатида хам педагогика илмини ривожлантиришга ўз хиссасини қўшди. Унинг рус мактабларининг 3-4 синфлари учун яратган «Қорақалпоқ тили» дарлиги 70-80 йиллардан мустақиллик йилларигача бўлган даврларда қайта-қайта чоп этилиб, рус болаларининг қорақалпоқ тилини ўрганишлари учун хам хизмат қилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, олимнинг рус синфларида қорақалпоқ тили алифбосини ўргатишга доир яратган дарсликларида бошланғич синф болаларининг ёши ва психологияси мос турли хил расмлардан фойдаланилган; болалар учун мисоллар билан мустахкамланган. Дарсликларда луғатлардан, ҳикоя, нақл-мақол ва топишмоқлардан кенг фойдаланилган.

Шундай қилиб, методист-олим Н.А.Урумбаев таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактабларда рус тилина ўқитишнинг самарали йўллари таҳлил этиб, Қорақалпоғистонда педагогик фикрларнинг ривожланишига катта хисса қўшган олим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Урумбаев Н.А. Основы методики русского языка в каракалпакской школе. Н., «Каракалпакстан», 1979, с.
2. Т.Т.Утебаев Қорақалпоғистонда ХХ аср иккинчи ярми-ХХІ аср бошида таълим-тарбиявий фикрларнинг ривожланиши. Нукус 2015.